

**ПОРА БЕРИШ ЖИНОЯТИ ВА УНИНГ ЖАМИЯТГА
ТАЪСИРИ: ТАҲЛИЛ ВА ЧОРА-ТАДБИРЛАР**

Аминов Хусниддин Абдуманнонович
Судьялар олий мактаби тингловчиси

***Аннотация:** мазкур мақолада пора бериш жиноятининг ҳуқуқий, ижтимоий ва иқтисодий оқибатлари таҳлил қилиниб, унинг жамият ва давлат тизимида салбий таъсири ёритилган. Шунингдек, коррупцияга қарши самарали курашни учун ҳуқуқий базани такомиллаштириш, институционал чора-тадбирларни амалга ошириш, ижтимоий-тарғибот ишларини кучайтириш ва технологиялардан фойдаланиш каби чоралар таклиф этилган. Халқаро стандартлар ва миллий қонунчиликда пора тушунчаси доирасида мулкий бўлмаган манфаатларни ҳам инобатга олиш зарурлиги таъкидланган.*

***Калит сўзлар:** пора, коррупция, пора бериш, пора олиш, жиноят, шаффофлик, халқаро стандартлар, мулкий бўлмаган манфаатлар, коррупцияга қарши кураш.*

**ПРЕСТУПЛЕНИЕ ВЗЯТОЧНИЧЕСТВА И ЕГО ВЛИЯНИЕ НА
ОБЩЕСТВО: АНАЛИЗ И МЕРЫ**

Аминов Хусниддин Абдуманнонович
Студент Высшей школы судей

***Аннотация:** в статье анализируются правовые, социальные и экономические последствия преступления взяточничества, а также подчеркивается его негативное влияние на общество и государственную систему. Также для эффективной борьбы с коррупцией были предложены такие меры, как совершенствование правовой базы, реализация институциональных мер, усиление социально-пропагандистской работы и использование технологий. Международные стандарты и национальное*

законодательство подчеркивают необходимость учета немущественных интересов в рамках понятия взяточничества.

Ключевые слова: взяточничество, коррупция, взяточничество, получение взятки, преступление, прозрачность, международные стандарты, немущественные интересы, борьба с коррупцией.

THE CRIME OF BRIBERY AND ITS IMPACT ON SOCIETY: ANALYSIS AND MEASURES

Aminov Khusniddin Abdumannonovich

Student at the High School of Judges

Abstract: this article analyzes the legal, social and economic consequences of the crime of bribery, highlighting its negative impact on society and the state system. Also, measures such as improving the legal framework, implementing institutional measures, strengthening social and advocacy work, and using technologies are proposed to effectively combat corruption. It is emphasized that non-property interests should also be taken into account within the framework of the concept of bribery in international standards and national legislation.

Keywords: bribery, corruption, bribery, bribery, crime, transparency, international standards, non-property interests, fight against corruption.

Пора бериш жинояти – бу коррупциянинг энг кенг тарқалган ва салбий оқибатларга олиб келувчи шаклларида бири бўлиб, унинг жамият ва давлат тизимига таъсири жуда жиддийдир. Коррупция, шу жумладан, пора бериш ва пора олиш жиноятлари давлат институтларининг ишончли фаолиятига жиддий зиён етказиб, ижтимоий адолатни издан чиқаради, иқтисодий ривожланишни секинлаштиради ва ҳуқуқий онгни сусайтириб, аҳолининг давлат тизимига нисбатан ишончи пасайишига олиб келади.

Пора бериш жинояти жамиятда қонун устуворлигини таъминлашга салбий таъсир кўрсатувчи жиддий ҳуқуқбузарликлардан биридир. Бу жиноят қонуний қарорлар қабул қилинишини бузади, иқтисодий рақобат муҳитини ёмонлаштиради ва аҳоли манфаатларига зид равишда шахсий ва манфаатдор гуруҳларнинг устунликка эга бўлишига йўл очади. Пора бериш нафақат жиноий жавобгарликка тортиладиган қилмиш, балки у умумий ҳуқуқий-ижтимоий муҳитга ҳам салбий таъсир қиладиган омилдир.

Коррупцияга қарши кураш агентлиги томонидан тақдим этилган маълумотларга кўра судлар томонидан 2022 йилда 4607 та коррупцияга оид жиноят иши кўрилган. 2023 йилда бу рақам 4128 тани ташкил этган, яъни маълум бир даражада камайган. Жиноий жавобгарликка тортилиш ҳолатлари эса 2022 йилда 7414 нафар, 2023 йилда 6535 нафар шахсни ташкил этган.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг тегишли моддаларига кўра, пора бериш ва пора олиш жиноятлари қатъий тартибда таърифланган бўлиб, бу жиноятлар учун жиддий жазо чоралари назарда тутилган. Шу билан бирга, порахўрликни қўзғатувчи ички ва ташқи омиллар ҳам мавжуд бўлиб, уларни камайтириш ва олдини олиш учун тизимли чора-тадбирларни жорий этиш лозим.

Коррупция, айниқса пора бериш ва пора олиш, жамиятнинг барча соҳаларига таъсир қилади. Унинг учта асосий нуктаи назардан жамиятга таъсирини таҳлил қилиш мумкин:

биринчиси, ҳуқуқий таъсир бўлиб, унда қонун устуворлигининг бузилиши, суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг обрўйига путур етказиши, жиноятчиликнинг кўпайиши ва жазосизлик муҳитининг юзага келиши каби ҳолатларда намоён бўлади;

иккинчиси — ижтимоий таъсир, унда давлатга нисбатан ишончнинг пасайиши, жамиятда тенглик ва адолат принципларининг бузилиши ва аҳолининг ҳуқуқий онгининг пастлашиши каби оқибатларда кўринади;

учинчиси иқтисодий таъмир бўлиб, унда, рақобат муҳитининг бузилиши, давлат ресурсларининг самарасиз тақсимланиши, инвесторларнинг ишончсизлиги ва иқтисодий инқироз каби салбий ҳолатлар бўлиши мумкин.

Таъкидлаш керакки, пора бериш жиноятига қарши самарали курашиш учун комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш зарур. Аввало, ҳуқуқий базани такомиллаштириш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Пора бериш ва пора олиш жиноятларни олдини олишга оид қонунчилик ҳужжатларини такомиллаштириш доимий долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Бундан ташқари, давлат бошқаруви ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларда институционал ислохотларни амалга ошириш зарур. Хусусан, суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларда шаффофликни ошириш, давлат хизматчиларининг даромадларини қатъий назоратга олиш, коррупция хавфи юқори бўлган соҳаларда ички аудит ва мониторинг тизимини жорий этиш каби чора-тадбирлар муҳим аҳамиятга эга.

Шу билан бирга, ижтимоий-тарғибот ишларини кучайтириш ва технологиялардан фойдаланиш орқали порахўрликка қарши самарали курашиш мумкин. Коррупцияга қарши маърифий дастурларни жорий этиш, ОАВ орқали тарғибот ишларини кучайтириш, электрон ҳукумат ва рақамли давлат хизматларини ривожлантириш, шунингдек, ҳужжат айланиши ва молиявий операцияларда шаффофликни ошириш каби чоралар пора бериш жиноятига қарши самарали воситалар сифатида хизмат қилади.

Конунчиликда пора асосан мулкый манфаатлар билан боғлиқ деб қаралса-да, реал ҳаётда мансабдор шахслар ўз ваколатларини суиистеъмол қилиб, мулкый тусга эга бўлмаган, аммо аҳамиятли манфаатлар эвазига ҳам ноқонуний келишувлар тузиши мумкин. Шу сабабли, мулкый бўлмаган фойдаларни ҳам пора предмети деб баҳолаш коррупцияга қарши курашда муҳим ҳуқуқий ёндашув сифатида қаралиши зарур.

Пора – мансабдор шахсинг ўз хизмат ваколатларидан шахсий ёки бошқа шахс манфаати учун суиистеъмол қилиши эвазига олинadиган ноқонуний манфаатдир. Аксарият миллий ва халқаро қонун ҳужжатларида пора мулкый манфаат сифатида кўрилади, яъни моддий қийматга эга пул, мол-мулк, хизматлар ва бошқа иқтисодий ресурслар шундай манфаат сифатида баҳоланади.

Бироқ, реал ҳаётда пора бериш ва олиш фақатгина моддий манфаат билан чекланмайди. Масалан:

- мансабдор шахс томонидан жинсий алоқа эвазига хизмат кўрсатиш,
- ижобий тавсиянома ёки тавсифнома бериш,
- матбуотда мақола чоп этиш ёки телевидениеда чиқиш имкониятини яратиш,
- юқори лавозимли шахслар билан учрашиш имкониятини таъминлаш каби ҳолатлар ҳам ноқонуний манфаат сифатида баҳоланиши мумкин. Шунинг учун мулкый тусга эга бўлмаган манфаатларни пора сифатида баҳолаш амалиётдаги коррупция схемаларини очиш ва олдини олиш учун муҳимдир.

Коррупцияга қарши кураш бўйича БМТ Конвенцияси (UNCAC) ва Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти (OECD) доирасида ишлаб чиқилган халқаро стандартлар коррупцияни нафақат моддий, балки мулкий бўлмаган манфаатлар асосида ҳам аниқлаш кераклигини кўрсатади.

БМТ Коррупцияга қарши Конвенцияси (2003) – пора бериш ва олиш жараёнидаги барча шакллар, жумладан, моддий қиймати аниқ бўлмаган манфаатларни ҳам қамраб олишни тавсия қилади.

АҚШ "Foreign Corrupt Practices Act" (FCPA) ва Буюк Британиянинг "Bribery Act" қонунлари – пора тушунчасини кенгроқ талқин қилади ва ҳар қандай ноқонуний манфаатни қамраб олади.

Европа Кенгашининг коррупцияга қарши курашга оид резолюциялари – мансабдор шахслар томонидан суиистеъмол қилинган мулкий ва мулкий бўлмаган манфаатларни пора сифатида баҳолаш зарурлигини таъкидлайди.

Фикримизча, Ўзбекистон қонунчилигида порага оид нормалар асосан моддий манфаатлар билан боғлиқ бўлса-да, халқаро амалиётни инобатга олган ҳолда, мулкий бўлмаган манфаатлар ҳам пора предметиға қўшилиши зарур.

Мулкий бўлмаган манфаатларни пора сифатида тан олишнинг бир қанча ижтимоий ва ҳуқуқий асослари мавжуд:

- коррупциянинг яширин шакллари аниқлаш имконияти;
- давлат органларида шаффофлик ва ҳолисликни таъминлаш;
- коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларнинг жазоланиш доирасини кенгайтириш.

Мансабдор шахсларга берилган пора доимо моддий тарзда бўлмайди. Масалан, бир мансабдор шахс бировга ноқонуний хизмат кўрсатиш эвазига ОАВда ижобий материал чоп эттириши ёки ишга қабул қилишга кўмаклашиши мумкин. Агар бундай муносабатлар пора сифатида баҳоланмаса, коррупциянинг бу шакли аниқланмай қолиши мумкин.

Мулкий бўлмаган манфаатларни пора сифатида баҳолаш мансабдор шахсларнинг ҳолис қарорлар қабул қилишини таъминлайди. Масалан, кимгадир ноқонуний равишда ижобий тавсиянома бериш – шахсий манфаат эвазига давлат хизматининг ҳолислигини бузиш демакдир.

Агар фақат мулкий манфаатлар пора сифатида баҳоланса, жинсий алоқа, ижобий мақолалар ёки хизмат ваколатини суиистеъмол қилиш эвазига олинadиган бошқа манфаатлар ноқонуний деб ҳисобланмаслиги мумкин. Бу эса жиноятчилар учун жавобгарликдан қочиш имкониятини яратади.

Юқорида келтирилган далиллардан келиб чиққан ҳолда, мулкий тусга эга бўлмаган манфаатларни пора предмети сифатида қонунчиликда аниқ белгилаш муҳим. Бундай ёндашув коррупциянинг яширин шакллари аниқлаш имконини беради, давлат органларида шаффофлик ва адолатни таъминлайди, жиноят қонунчилигини такомиллаштириб, жавобгарликдан қочиш ҳолатларини камайтиради. Шу боис, Ўзбекистон қонунчилигида пора тушунчасини халқаро стандартларга мувофиқ равишда кенгайтириш, жумладан, мулкий бўлмаган манфаатларни ҳам пора сифатида тан олиш тавсия этилади.

Таъкидлаш керакки, халқаро стандартларда пора предмети “моддий манфаатлар” шаклида келтирилмасдан, умумий тарзда “ноқонуний афзалликлар” тарзида баён этилади.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, пора бериш жинояти нафақат ҳуқуқий муаммо, балки ижтимоий ва иқтисодий хавф-хатарни ҳам ўзида мужассамлаштирган иллатдир. Унинг олдини олиш учун нафақат ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, балки бутун жамият сафарбар бўлиши лозим. Қонунларнинг қатъий ижроси, институционал ўзгаришлар ва жамоатчилик назорати коррупцияга қарши самарали курашни таъминлайдиган асосий механизмлардан ҳисобланади. Шу сабабли, пора бериш ва пора олиш жиноятларининг олдини олиш, уларни барвақт фош этиш ва жазолаш тизимини кучайтириш йўналишида давлат ва жамиятнинг ҳамкорлиги жуда муҳим бўлиб, фақат шундагина ҳуқуқий адолат ва жамиятда шаффофлик таъминланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Рустамбоев М.Х. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига шарҳ (Қайта ишланган ва тўлдирилган иккинчи нашр. 2016 йил 1 ноябргача бўлган ўзгартириш ва қўшимчалар билан) махсус қисм / Тошкент: "Адолат", 2016. - 960 б. 555-бет.
2. Очилов Х.Р., Хайдаров Ш.Д., Шамсиддинов З.З. "Жиноят ҳуқуқи" (Умумий қисм). Ўқув қўлланма - Т.: ТДЮУ нашриёти, 2021. 172 бет. 24-бет.
3. Отажонов А.А. Бошқарув тартибига қарши коррупцияга оид жиноятлар учун жавобгарлик: Ўқув қўлланма. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси, 2018. – 58 б.
4. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Коррупцияга қарши конвенцияси. 31.10.2003 й. Ўзбекистон Республикаси учун 28.08.2008 йилдан кучга кирган. <https://lex.uz/docs/1461329>.

5. OECD, Convention on Combating Bribery of Foreign Public Officials in International Business Transactions. 1997.